ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГЕНЕТИК БОҒЛАНМАГАН ЛЕКСИК ОМОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Р.М.ХУДЖАЕВА

Статья посвящена вопросу этимологического анализа генетически не связанных лексических омонимов в английском языке.

The article devoted to the question of etymological analysis of genetic non bounded lexical homonyms in English.

Турли тилларда омонимиянинг бир қатор масалалари тилшунос олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган. Жумладан, Ш.Балли, В.В.Виноградов, А.И.Шайкевич, О.С.Ахманова, А.Н.Тихонов, П.А.Соболева, Н.И.Шанский ва бошқалар омонимия муаммоларга эътиборларини қаратишган. Улар тадқиқотларида омонимларнинг турли лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари устида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

А.И.Шайкевич, Т.Торжинская, Т.Красикова, Т.Драбовская каби олимлар эса ўз ишларида омонимларнинг тарихий-генетик жиҳатдан келиб чиқиши, уларнинг ривожланиш тарихи, пайдо бўлишидаги таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларга эътиборларини қаратишган.

Омонимия ва полисемия ҳодисаларининг фарқланишини Мейер-Любке, Э.Пишон, Р.Годель, С.Ульман, В.А.Кох ва бошқалар ўз ишларида таҳлил қилишга харакат қилишган.

Аффиксал омонимларнинг ўзига хос хусусиятларини Н.Н.Лопатникова, Н.Корбеи, М.Ф.Нефедьев, Л.И.Чернобай, Н.А.Катагошина, Р.Л.Ковалевскийлар ўз тадқиқотларида ёритиб беришган. Улар ўз тадқиқотларида омонимик префикслар, суффиксал омонимлар, уларнинг келиб чиқишлари устида тадқиқот олиб боришган.

Мақоламизда инглиз тилида ўзлашган от сўз туркумига тегишли генетик жиҳатдан боғланмаган лексик омонимлар этимологиясига эътиборни қаратмоқчимиз.

Генетик боғланмаган омонимик қаторлар ўз ичига ҳар хил сўз туркумига тегишли омонимларни ва бир сўз туркумига тегишли омонимларни олади.

Биз проф. А.И.Смирницкийнинг фикридан келиб чиқиб, лексик, яъни бир сўз туркумига тегишли бўлган омонимларни тадқиқот объекти қилиб олдик ва аралаш қаторларни ҳисобга киритмадик.

Генетик жиҳатдан боғланмаган омонимлар икки ёки ундан ортиқ турли тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг (баъзан ва турли даврда) маълум бир фонетик сабаблар таъсирида тилларда талаффузи бир хил бўлиши ҳисобига пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб: блок – бирлашма (француз тилидан), блок – оғирлик кўтарувчи мослама (скандинав тилидан); cricket – чигиртка (ноъмалум тилдан), cricket – спорт ўйини (англо-саксон тилидан); sole – балиқ (француз тилидан), sole – тагчарм (скандинав тилидан) ўзлашган сўзларни кўрсатишимиз мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бизни қизиқтирган масала бир қатор қийинчиликлар, жумладан, генетик боғланган омонимларни генетик боғланмаган омонимлардан ажратиш каби масалалар билан боғлиқ.

Қўйилган мақсад ва вазифага кўра материал танлаш ва кейинчалик уни кўриб чиқиш учун 13 томли The Oxford Dictionary of the English Language, Merrian Webster's Collegiate Dictionary/11th edition ҳамда И.С.Тишлернинг "Словарь лексических и лексико-грамматических омонимов современного английского языка" луғатларидан фойдаландик.

А.И.Смирницкийнинг ишлаб чиққан принципларига кўра омонимлар ҳосил бўлишининг асосий усули уларнинг тасодифий мос келишидир. Олимнинг фикрига кўра, омонимлар 3 турга бўлинади:

1) лексик омонимлар (тўлиқ, тўлиқсиз);
2) лексик грамматик омонимлар (мураккаб, оддий);
3) грамматик омонимлар (морфологик, синтактик).

Лексик омонимлар (омографлар, омофонлар), бир хил талаффуз қилинувчи, маъно элементлари бир хил бўлмаган ва ассоциатив боғлиқ бўлмаган сўзлардир. Улар келиб чиқишига кўра генетик боғланган ва генетик боғланмаган омонимларга бўлинади.

Профессор А.И.Смирницкий қарашларига таянган ҳолда келиб чиқиши жиҳатидан қардош бўлмаган от сўз туркумига тегишли лексик омонимлар қаторининг этимологиясини таҳлил этишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги натижаларга эришдик.

Омонимлар қатори этимологик келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлиб, уларнинг кўпчилиги инглиз тилига турли тиллардан кириб келган. От сўз туркумига тегишли генетик боғланмаган омонимлар қаторидаги сўзларнинг кўпчилиги англо-саксон, скандинав, қолганлари эса испан, итальян ва номаълум тиллардан кириб келган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, инглиз ти-

лига кириб келган лексик омонимлар 3 та компонентли (quack – ғаққиллаш, quack – табиб, quack – товламачи), 2 та компонентли (case – ҳодиса, case – жомадон), айримлари эса 4 компонетлидир (quarry – тош майдалайдиган жой, quarry – ўлжа, quarry – карьер, quarry – овланаётган ҳайвон).

Инглиз тилида от сўз туркумига тегишли генетик жиҳатдан боғланмаган омонимлар қаторларини шаклланиш даврига қараб 3 гуруҳга бўлиб кўриб чиқамиз:

1- гуруҳ: VII–XI асрлар. Бу асрларда мисол учун: ray – нур (француз тилидан), ray – балиқ (скандинав тилидан); tap – кран (англо-саксон тилидан), tap – пробка (француз тилидан) сўзлари кириб келган

2 - гуруҳ: XII – XVI асрларда инглиз тилига ўзлашган сўзларга мисол тариқасида: cramp – талваса (англо-саксон тилидан), cramp – боғлаш (скандинав тилидан); miss – соғиниш, miss – қўлдан чиқармоқ (француз тилидан) кириб келганлигини кўрсатишимиз мумкин.

3 - гуруҳ: XVII – XXI асрларда flush – қизармоқ (ноъмалум тилдан), flush – чашма (скандинав тилидан), flight – учиш (англо-саксон тилидан) flight – қочиш (швед тилидан) сўзларининг ўзлашганини кўришимиз мумкин.

Кўрсатилган хронологик даврларида генетик боғланмаган от сўз туркумига тегишли лексик омонимлар миқдори турлича эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўтказилган этимологик таҳлилга кўра, тадқиқот қилинаётган омонимларнинг кўпчилиги XIII–XVII асрларга тўғри келади. Қолган асрларда омонимларнинг пайдо бўлиши нисбатан фаол эмаслигини аниқладик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, омонимларнинг келиб чиқиш тарихи, этимологик жиҳатдан ўрганилиши улардаги ўзига хос ривожланиш ҳусусиятлари ва қўлланилиш қонуниятларини очишга ёрдам беради.

Ўтказилган этимологик таҳлилга кўра, инглиз тилида генетик боғланмаган омонимларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиши ҳамда ўзгариши турли даврларда лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида келиб чиққанлиги қайд этилди.

Лингвистик омилларга инглиз тилида генетик боғланмаган омонимлар тизимининг ўзгариши ёки йўқолиб кетиши, экстралинвистик омилларга эса халқ тарихи, маданияти, инсонга бўлган муносабатларнинг ўзгариши мисол бўла олади. Бу омиллар эса тилнинг доимо ривожланиб ва ўзгариб боришидан далолат беради.

Инглиз тилида ўзлашган от сўз туркумига тегишли омонимларнинг кириб келган асри	Инглиз тилида ўзлашган от сўз туркумига тегишли омонимларниг сони
IX - XII	80
XIII – XVII	221
XVIII – XXI	170
номаълум	16

АДАБИЁТЛАР:

1. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. - М., 1956. - С.159–173
2. Смирницкий А. И. Некоторые замечания по английской омонимике.// Иностранные языки в школе. - 1952. - № 6.- С.16 – 21
3. The Oxford dictionary of the English language. Oxford, 1967 (в 13 томах).
4. Murrain Webster's Collegiate dictionary. 11th edition.
5. Красикова Т.И. Историческое развитие омонимии в английском языке.- Владивосток, 1984. – 135 с.
6. Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях. // ВЯ. – 1960. - № 5. – С.10–13
7. Шайкевич А.Я. Источники лексической омонимии в германских языках. Дисс…канд. фил. наук.- М., 1962
8. Торжинская Г.Ф. Пути развития в английском языке XVIII – XX вв. Дисс…канд.фил.наук.- М., 1972
9. Тышлер И.С. Словарь лексических и лексико-грамматических омонимов современного английского языка.- Саратов, 1963.

Андижон давлат тиллар педагогика институти,
2010 йил 27 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф.Ғ.Ҳошимов)